

Жидди жаҳд



13:57 / 22.04.2025 1543

Жидди жаҳд ҳақида гапирадиган бўлсак у энг буюк мақсадга эришмоқ учун бор куч ва имкониятни ишга солмоқдир. Муслмон учун энг буюк орзу Аллоҳга итоат қилиш, Унинг розилигини топиш, Унинг ҳукмига итоат этиш ва амрларига таслим бўлишдир. Бунинг учун ўша ишлар билан рақобатда бўлган ҳар қандай ақида, тарбия, ахлоқ, ғаразлар ва ҳою ҳавасга, Аллоҳнинг ҳукми ва Унга ибодат қилиш борасида кураш олиб борадиган нафслар ва дунёдаги ҳар қандай олиҳаларга қарши машаққатли ва узоқ жидди жаҳд қилиш керак бўлади. Муслмон одам ана шу нарсага эришадиган экан Аллоҳнинг ҳукми ва амрларини ўз атрофидаги оламда ҳамда ўз ватандошларида ижро этмоғи керак бўлади. Бу Аллоҳ таоло тарафидан келган мажбурият ҳамда Аллоҳнинг халқига бўлган шафқатидир. Чунки якка ҳолдаги итоат ўша нарсасиз қийин ва баъзан мумкин бўлмай қолади. Бу нарсани Қуръон “фитна” деб номлайди.

Маълумки бутун олам ўзидаги жамодот, наботот, ҳайвонот ва инсонлар билан бирга Аллоҳнинг хоҳишига, Унинг яратишдаги аҳкомларига ҳамда табиий қонунларига қарши бора олмайди.

﴿يُرْجَعُونَ وَإِلَيْهِ وَكَرَهَا طَوْعًا وَأُكْرَهًا وَالْأَرْضِ السَّمَوَاتِ فِي مَنْ أَسْلَمَ وَلَهُ﴾

«Ахир осмонлару ердаги барча жонзотлар Аллоҳга ихтиёрийми, мажбурийми, бўйсуниб турибди-ку!!! Ҳамда Унга қайтариладилар-ку!!!» (Оли Имрон сураси, 83-оят).

﴿الْعَذَابُ عَلَيْهِ حَقٌّ وَكَثِيرٌ وَالذَّوَابُّ وَالشَّجَرُ وَالْجِبَالُ وَالنُّجُومُ وَالْقَمَرُ وَالشَّمْسُ الْأَرْضِ فِي وَمَنْ السَّمَوَاتِ فِي مَنْ لَهُ، يَسْجُدُ لِلَّهِ أَنْ تَرَ الْأَرْضِ﴾

«Осмонлардаги кимсалар, ердаги кимсалар, қуёш, ой, юлдузлар, тоғлар, дарахтлар, жониворлар ва одамлардан кўплари, албатта, Аллоҳга сажда қилишини кўрмадингми? Кўпларига эса азоб ҳақ бўлди» (Ҳаж сураси, 18-оят).

Бундан аниқ бўладики мусулмоннинг жидди жаҳди шубҳасиз Аллоҳ таолонинг анбиёлар келтирган шариатини ижро этиш, У Зотнинг сўзини юксалтириш ва аҳкомларини бажариши учун бўлади. Зеро ҳукм фақат Аллоҳнинг қўлидадир ва амр фақат Уникидир. Ушбу жидди жаҳд қиёмат кунига қадар доимий тарзда давом этаверади.

«Олам ва одам, дин ва илм» китоби асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 30 ноябрь 03-07/9089-сонли хулосаси асосида чоп этилган.